# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

**Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси**

1992 йил 4 январь • шанба

№ 3 (10.252). Баҳоси 35 тийин.




## ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Хитой Халқ Республикасининг делегацияси Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Делегацияга ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланьцин бошчилик қилмоқда.

2 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида делегация аъзолари вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари билан учрашдилар.

Суҳбат чоғида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов меҳмонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши билан, унинг халқаро савдо-сотиқни кенгайтиришдаги имкониятлари билан таништирди. Ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, жумладан, халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўшма корхоналар барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида савдо битими имзоланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида делегация аъзолари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

**Суратда: Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги савдо битими имзоланаётган пайт.**

**Сураткаш: В. Миленький. (ЎзТАГ).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНМОҚДА

### ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШКИЛОТИ

**Қоҳира** **1991 йил 26 декабрь.**

**Тошкент, Ўзбекистон Президенти, Ислом КАРИМОВ ҳазрат олийларига**

Олий даражада Олмаотада ўтказилган учрашувнинг қарори туфайли Мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлиги тузилганлиги муносабати билан сиз ҳазрат олийларига, Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати ва халқига Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг доимий котибияти номидан ҳамда шахсан ўз номимиздан зўр мамнуният билан самимий табриклаб ва қутловлар йўллаймиз.

Шу мавриддан фойдаланиб, биз Африка ва Осиёдаги миллий озодлик ҳаракати тарихида, шунингдек, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотини жипслаштириш ишида Ўзбекистон халқининг ролига юксак баҳо берамиз.

Ўзбек халқи ўзининг шонли фарзанди, халқаро бирдамлик ҳаракатининг таниқли асосчиларидан бири ва фаол иштирокчиси бўлган марҳум оғамиз Шароф Рашидов билан фахрланишга ҳақлидир. Сизларнинг меҳмондўст пойтахтингиз — Тошкент кўпгина муваффақиятли халқаро бирдамлик учрашувлари учун илҳомбахш шаҳар бўлиб хизмат қилиб келди.

Мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлиги юзага келиши XX асрнинг тарихий воқеаси бўлиб, тинчлик, демократия ва иқтисодий равнаққа эришишда ҳамдўстликка аъзо бўлган халқлар қўйган катта қадамдир.

Ўзбекистон халқлар ўртасида бирдамлик, демократия ва ҳамкорлик ишига янада каттароқ ҳисса қўшишига аминмиз.

Янги йил арафасида биз Ўзбекистон халқига барқарорлик, равнақ ва тараққиёт тилаймиз.

Янги йилингиз бахтли бўлсин, янги келажагингиз бахтли бўлсин.

**Нури Абдул Раззоқ,**
**Бош котиб**

**Доктор Мурод Ғолиб,**
**президент.**

## САВДО МАРКАЗИ ҲАММА УЧУН

Сўнгги йилларда Ҳисарак қишлоғидаги «Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ошхона ўзини оқлолмай, катта бино бўш қолган эди. Шу ерлик аҳолининг талабини ўрганиб чиққан район ижроия қўмитаси уни савдо шоҳобчасига айлантиришга қарор қилди. Шундай қилиб, 1991 йил ноябрь ойида бу бино Чанги — Ҳисарак қишлоқ матлубот жамияти ихтиёрига берилди.

Янги йил арафасида қишлоқ халқи янги совға олди. Бу ошхона икки қаватли «Қуёш» савдо марказига айлантирилиб, ишга туширилди. «Қуёш» савдо маркази Паркент районидаги энг катта дўконлардан бири бўлиб, 12 минг аҳолига хизмат қилмоқда. Ҳаридорлар унинг биринчи қаватида хўжалик моллари, иккинчи қаватида эса саноат моллари, пойабзал, тайёр кийимларни харид қилишлари мумкин. Савдо марказида болаларнинг турли кийим-кечаклари, мактаб формалари ва бошқа зарур молларнинг сотилаётганлиги ота-оналарни мамнун этмоқда.

**Даврон АҲМАД.**

**СУРАТДА: «Қуёш» савдо марказининг умумий кўриниши.**

**Муаллиф сурати.**




## ТЎЗАТИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамасининг «1992 йилда Ўзбекистон республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорининг 4-банди охирги абзацидаги дастлабки жумла қуйидагича ўқилсин:**

**Белгиланганки, талон бўйича ва чекланган нархларда сотиладиган айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай турлари купонларсиз, 3-иловага мувофиқ, амалга оширилади.**

**Шу қарорга 3-илованинг 1-банди қуйидагича ўқилсин:**

**1. Белгиланган нормалар бўйича ва чекланган нархларда сотиладиган товарлар;**

**Шу иловадаги «мол ёғи» ибораси ўсимлик ёғи деб ўқилсин.**


• ЭЪЛОН •

**КЎЧАТ ОЛМОҚЧИМИСИЗ?**

Унда марҳамат! Иссиқхоналарда етиштириш учун помидорнинг серҳосил «Гулқанд» нави кўчатлари

**СОТИЛАДИ.**

**Хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишсин:** Тошкент шаҳри, Ипакчи кўчаси, 38/4. Автобуслар: 34, 64, 87, 116. «Ипакчилик» олийгоҳи бекати; 8-трамвайнинг «106-мактаб» бекати. Телефон: 46-68-22.

# ЯХШИ

ҚУЙИ йили башарият тарихида ўчмас из қолдиришига шубҳа йўқ. Сиёсий майдондаги кескин ўзгаришлар, иқтисодий жараёндаги жиддий бурилишлар, маънавий жабҳалардаги эркин, уйғун фикрлашлар бунга яққол мисол бўла олади. Воқеаларнинг ривожланиши бунчалик тез ва ошкора жамият юзини кўрмаган. Бу йил одамлар турмушида ҳам, ташвишларга, қийинчиликларга шунчалик мўл бўлдики, улардан ҳоли бўлиш учун фақат битта йўл—бозор иқтисодиёти танланди. Ёки том маънода айтадиган бўлсак, бу йўл бизни жиддий синовлар даври сари етаклади. Энди бошдан дўппини олиб, обдон ўйлаб, чуқур мулоҳаза юритиб, келажакни кўзлаб, тадбиркорлик билан иш юритишни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Зора, танлаган йўлимиз тўғри ва бехатар бўлиб, унинг дастлабки йилида қўйган қадамимиз қутлуғ келса, яратилажак ҳосили битмас-туганмас бўлса, ҳаётда эса, фақат яхшилик ва одамийлик, меҳр-мурувват, қадр-қиммат, ор-номус, уйғунлик ва барқарорлик каби энг улуғ туйғулар ҳукм сурса. Дастурхонимизга файз кириб, доимо ундан замин саховатининг ноз-неъматлари қишин-ёзин аримаса?!

— Яхши ният ёрти мол. Ҳозирча эса, илоё шундай кунларга етайлик, дея дуо қилиб, хотиржам меҳнат қилишимиз зарур... Хўш, келгуси йил қандай бўлади? Бу қўяжак дастлабки қадамимизга ҳам боғлиқ. Остонамиздан қиш фаслининг энг унутилмас куни йилнинг яшариш, бизнинг эса бир ёшга улғайиш базмимиз ҳатлаб ўтди. Бу кун ўн икки ойда бир келади. Шундай экан, шу куни ҳар бир хонадон, яхши ният билан арча безаб, дастурхон ёзиб, бўлажак йилнинг ўз хонадонига файз киритишини тилаб, дуо очиб, худодан сўрайди.

# КАЙФИЯТ

Бу йилги базмни аввалгиларига қараганда шов-шувсиз нишонладик. Боиси иқтисоддаги кам-кўстлик. Гап бунда ҳам эмас. Барибир жойларда янги йил базмини кўнгилдагидек нишонлашга ҳаракат бўлди. Буни Бекобод ноҳиясидаги матлулот жамиятига қарашли бўрдоқичилик хўжалиги мисолида кўриш мумкин.

Хўжалик ўз аъзоларининг янги йил базмини кўнгилдагидек нишонлашлари учун олдиндан чора-тадбирлар кўрди. Чунки, бўлажак йилга кўтаринки руҳ билан қадам қўйишда ҳам гап кўпда. Шунинг учун хўжалик одамларга байрамона кайфият улашиш мақсадида ҳар бир хонадонга ажойиб янги йил совғаси тайёрлашди. Гап шундаки, хонадонларга 350 сўмдан пул берилди. Бундан ташқари уларга бозордагидан уч-тўрт баробар арзон нархда 35 килограммдан гуруч, уч килограммдан гўшт улашилди. Хўжалик маъмурияти шу худудда истиқомат қилаётган зиёлилар — ўқитувчи, болалар боғчаси тарбиячилари, тиббиёт ходимлари ҳамда мактаб ўқувчилари ва боғча кичкинтойларини ҳам эсдан чиқаришмади. Улар ҳам ўз улушларини олиб, янги йил совғаларидан баҳраманд бўлишди. Хўжалик раҳбарларига тасаннолар айтишди.

— Бундай хайрли ишга қўл уришимиздан мақсад,— дейди хўжалик директори Эгамназар Ҳотамов,— меҳнаткашларнинг кўнглини кўтариш, уларга озгина бўлса-да, шодлик, қувонч улашишдир. Биз шунга аминмизки, бераётган ёрдамимиз келгуси йилда ўн чандон ортиғи билан қайтади. Халқимизнинг, хўжалигимиз аъзоларининг меҳнаткашлиги бунга кафил. Бунинг исботи ҳам бор. Йил давомида хўжаликда меҳнат қилаётганларга 300—400 килограммдан буғдой, килоси 5 сўм турадиган 20 килограммдан мош, 15 сўмдан уч-тўрт кило-

# УЛАШИБ

грамм асал ҳамда арзон нархда керагича пиёз, картошка тарқатган эдик. Улар бу ғамхўрликларга жавобан сидқидилдан меҳнат қилдилар. Натижада барча соҳада зиммамиздаги режа ва топшириқларимизни муддатидан анча илгари бажардик.

Ҳа, тадбиркорлик деб шуни айтадилар. Узоқни олдиндан кўра билиш, ишбилармонлик билан иш юритиш доимо юксак чўққиларга етаклайди. Янги йил режаларингиз барқ ураверсин, Бўрдоқичилик ёрдамчи хўжалигининг захматкашлари.

**А. ҚОДИРОВ,**
**Х. ШАФОАТОВ.**

● *Қишлоқ хабарлари*

# ВАЪДАГА ВАФО БИЛАН

● ЯНГИ йил арафасида Ойбек номли шўро хўжалиги чорвадорлари давлатга гўшт ва сут топшириш режаларини ортиғи билан уддалаб, йил бошида берган ваъдалари устидан чиқишган эдилар. Режадагидан юз тонна кўп, яъни 970 тонна сут, ҳамда 194 тоннадан ортиқроқ гўшт сотган ойбекликлар янги йилда ҳам янги ютуқларни қўлга киритиш учун бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. Чорва қишловини кўнгилдагидек ўтказишга ҳам эътибор билан қарамоқдалар.

Ферманинг Насиба Рўзимуродова, Фотима Ҳосилова, Гулшан Боймуродова, Ҳосил Тоғаев, Муллажон Оманқулов каби сут соғувчилари ва молбоқарлари айни кунларда ўз ишларига садоқат билан ёндашиб меҳнат қилишаяпти. Чорвадорлар 1360 та қорамолни меҳр билан парваришлаб, янги йилда ҳам халқимизни серистеъмол маҳсулотлар билан таъминлашга ҳисса қўшажакларини билдирдилар.

**К. БЕГМОНОВ,**
**Бекобод.**

# ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ

● 1991 — ХЎЖАЛИК ЙИЛИ қандай келишидан қатъий назар деҳқонларимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори кўрсаткичларга эришдилар. Айниқса, йил пахтакорлар учун анча ҳосиятли келганлигини айтиш мумкин. Ноҳиядаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам пахтачилик соҳасида юқори натижаларга эришиб мустақил Ўзбекистоннинг оқ олтин хирмонини бунёд этишга муносиб улуш қўшган эдилар. Ана шу хирмонни яратишда транспорт-трактор ҳайдовчиларининг ҳам ҳиссалари бор. Уларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб теримчилар терган пахта ҳосили қабул пунктларига ўз вақтида етказилди. Энди сарҳисоб қиладиган пайт келди.

Хўжалик бўйича чиқарилган якунда ўз транспортида қабул пунктларига 300 тоннадан кўпроқ пахта элтиб берган ҳайдовчи Равшан Йўлдошев мавсум якуни бўйича ғолиб деб топилди. У ўзига тегишли мукофотдан боши осмонга етди.

**Э. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Бўка.**

# ТРАНСПОРТ ВА ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ

БУ ТЕМИР йўл станцияси жамоаси Ангрендаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалару ширкатларга хизмат кўрсатмоқда. Уларга юборилган турли хил материаллар ортилган вагонлар, составлар бу ерга ҳар куни келиб туради. Айни вақтда шаҳар корхоналарида қазиб чиқарилган ёқилғи, ишлаб чиқарилган турли-туман бинокорлик материаллари ва бошқа маҳсулотлар шу ердан, республикамиз ва мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги мижозларга жўнатилади.

Бундан станция темирйўлчилари зиммасига юклатилган вазифа анча масъулиятли ва айни вақтда шарафли эканлиги кўриниб турибди. Буни улар ҳам тўла ҳис қилишади. Шу сабабли юк ортиш-тушириш ишларини тезлаштириш, вагонларнинг бундай юмушлар вақтида туриб қолишини камайтириш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш борасида тинмай изланиш олиб бормоқдалар, янги-янги имкониятларни ишга солмоқдалар.

Улар йилнинг ўтган ойларида ёмон ишлашмади. Айниқса, вагонлардан юкларни тушириб олишдаги суръат сезиларли даражада оширилди. Режа 110 фоиз атрофида бажарилмоқда. Лекин яна бир асосий кўрсаткич, яъни вагонларга юк ортиш топшириқларини бажаришдаги суръат кўнгилдагидек бўлмаяпти. Бу соҳада буюртмачилардан қарз бўлиб қолинди.

Лекин, бунинг айбдори станция темирйўлчилари десак, хато қиламиз. Сабаблари бошқа, темирйўлчиларга боғлиқ эмас. Юк ортиб жўнатувчи корхоналару ташкилотларга тааллуқлидир. Ҳамма гап шундаки, Ангрен станциясидан асосан кўмир ва бинокорлик материаллари ортилган вагонлар жўнатилади. Шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар эса оқсамоқда. Давлат режаларини бажармаяпти.

Масалан, Ангрендаги энг катта кон кўмир разрезини олиб кўрайлик. Унинг жамоаси ёз вақтида анча дуруст ишлади. Лекин кузги-қишки ёғингарчилик бошланиши билан кўмир қазиб чиқариш мароми бузилди. Оқибатда мижозларга кўмир етказиб беришда узилишлар содир бўлмоқда.

Бўш вагонлар кўпроқ шу разрезга юборилади. Уларга юк ортиш суръати кўнгилдагидек бўлмаяпти. Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида вагонларнинг белгиланганидан ортиқча туриб қолиши минглаб соатни ташкил этди. Бундан аввало кон жамоаси зарар кўрмоқда. Вагонларнинг бўш туриб қолиши учун ундириб олинадиган жарима миқдори анча кўпайганлиги оқибатида разрез темирйўлчиларга 110 минг сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

Юкларни вақтида вагонларга ортмасдан уларнинг белгиланганидан анча ортиқ туриб қолишига йўл қўяётган бошқа корхоналар ҳам бор. Керамика комбинати, «Цементчи» ширкати ва бошқалар шулар жумласига киради. Бу корхоналар ҳам ўтган ойларда вагонлардан оқилона фойдаланмаганликлари учун темир йўл станциясига анчагина миқдорда жарима тўладилар.

Тайёрланилаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида милицияга қанча тез хабар берилса, хавф шунчалар тез бартараф этилади. Бу жуда кўп маротаба айтилган ва исботланган.

— Очиғини айтганда, жарима олишга ишқибоз ҳам эмасмиз, бунга умуман қаршимиз,— дейди куюниб станция бошлиғининг муовини Жалолиддин Маъмурович Тиллаев.— бизга вагонларнинг вақтида юкдан бўшатилиши ва белгиланган муддат давомида уларга юк ортилиши керак. Чунки, ҳозирги вақтда шундоқ ҳам вагонларга эҳтиёж катта. Уларнинг юк ортиш-тушириш юмушлари вақтида ортиқча туриб қолиши оқибатида жуда кўп халқ хўжалиги юкларини ташишда қийинчиликлар вужудга келмоқда. Бундай юклар станцияларда, корхона-ташкилотларга борадиган шахобча темир йўлларида тўпланиб қолмоқда. Оқибатда уларни кутаётган меҳнат жамоалари ҳам қўшимча қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Материаллар ва хом ашёларни ўз вақтида олмаслик оқибатида ишлаб чиқариш мароми бузилмоқда, ҳатто айрим ҳолларда уни тўхтатиб қўйишгача бориляпти. Шунинг учун биз транспорт хизмати кўрсатаётган корхона, ташкилот раҳбарларидан битта илтимосимиз бор: юк ортиш-тушириш ишларини вақтида бажаришларини истардик. Аввало бундан ўзларига наф тегади, ортиқча жарима тўлашдан ҳалос бўладилар. Бу маблағни эса корхона ва унинг меҳнат жамоаси эҳтиёжлари учун ишлатиш имконига эга бўладилар.

— Ишимиздаги муаммолардан яна бири шундаки,— деб суҳбатга қўшилди тузатувчилар бригадаси бошлиғи Абдумалик Анорбоев,— зарур материалларнинг етишмаслиги оқибатида носоз вагонларни тузатишда қийинчиликлар вужудга келмоқда. Жумладан, тормоз колодкалари, мой, пайвандлаш ишлари ва вагонларни ремонт қилиш учун зарур бўладиган тахта, қалин тунука ҳамда бошқа материаллар етишмаяпти. Бунинг натижасида айрим вагонларни тузатиш мумкин бўлмаяпти. Шунинг учун улар ҳам анча вақт туриб қолмоқда ёки Тошкент юк станциясига қайтариб юборилмоқда. Бу ҳам ортиқча ҳаражатларга сабаб бўлмоқда. Биз юқорида айтган материалларни етказиб беришни темир йўл бошқармаси раҳбарларидан бир неча бор илтимос қилдик. Лекин буни инобатга олмаяптилар. Бу соҳада тартиб ўрнатиш вақти келди.

— Темирйўлчиларни қийнаётган яна бир муаммо,— дейди А. Тиллаев.— вагонларга ортилган юкларни белгиланган манзилга тўлалигича етказиб бериш масаласидир. Ҳеч кимга сир эмас, вагонлар қаерда тўхтаб турса, ўша ерда унга ортилган юкларни ўғирлаш ҳоллари содир бўлмоқда. Илгари вагонларни ҳарбийлашган соқчилар кузатиб боришарди. Ўша вақтда юкларни ўғирлаш ҳоллари камдан-кам учрарди. Шуни ҳисобга олиб, шу тартиб яна жорий қилинса, айни муддао бўларди. Бу, албатта, ўзини оқлайди. Харажатлари ҳам кўп бўлмайди. Биз темирйўлчиларнинг фикримиз шундай.

Мавжуд қийинчиликларга қарамай станция жамоаси зиммасидаги вазифани тўла бажаришга астойдил интилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бунда ишлаб чиқариш фахрийлари, илғорларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Навбатчи Андрей Ткало, поездлар тузувчи Жўра Исмоилов, қабул қилувчи-топширувчи Ўрол Абдураимов, тузатувчилардан Абдуқаҳҳор Нуралиев, Тошпўлат Пардаевлар меҳнатда пешқадамлик қилишяпти. Уларнинг ўртача ишлаб чиқариш кўрсаткичлари нормадагидан анча ортиқ бўлмоқда. Фидокорона меҳнатлари билан станция барча темирйўлчиларини унумли ва сифатли ишлашга руҳлантирмоқдалар. Шунинг учун ҳам бундай пешқадамларнинг номини ҳамма ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Мухбир сифатида бизнинг ҳам бир мулоҳазамиз бор эди. Станция худудини айланиб чиқаётганда, айрим камчилик ва қусурларнинг гувоҳи бўлдик. Пўлат излар ёқаси бўйлаб ёйилиб ётган рельслар, тормоз колодкалари ва бошқа шу каби металл парчаларини кўплаб учратдик. Вагонлардан тўкилган кўмир ва бошқа шу каби материаллар сочилиб ётибди. Бу, аввало, станция худудида экологик аҳволнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Кўлмак сувлар ҳам жуда кўп. Айрим жойларда темир йўл излари кўринмай қолган. Бу бир вақтлар ётқизилган ёғоч шпалларнинг чиришига олиб келиши мумкин. Оқибатда поездлар издан чиқиши, авария бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун станция худуди ва унга яқин жойдаги темир йўл излари атрофини тозалаб туриш зарур. Бу станция раҳбарларининг ҳафсаласига боғлиқ. Ўйлаймизки, ахил ва иноқ байналмилал станция жамоаси транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга ҳалақит бераётган бу ва шунга ўхшаш бошқа камчиликларни бартараф этади.

**М. МУҲАМЕДОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

## • ОҚИБАТ • • ОҚИБАТ •




У ширин ҳаётлари бунчалик тез тамом бўлади, деб ўйламаганди. Уларнинг хонадонига фалокат кутилмаганда кириб келди: ўғилчасини бағрига босиб, ўпиб-эркалаб чиқиб кетган Қодиржон бахтсиз ҳодисага йўлиқди, шифохонада ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган рафиқасига, кўз ёшлари оппоқ соқолига оқиб тушаётган меҳрибон отасига, каловланиб қолган онасига сўзсиз термулганча жон берди.

Осмон узоқ, ер қаттиқ. Бандаи мўмин ҳар қандай мусибатга кўникади, йиғлаб-йиғлаб нон ейди, йиғлаб-йиғлаб чой ичади, ўлганга қийин. Раҳматли жуда ёш кетди. Сочлари тақимига тушадиган, кулча юзли, ғамгин кўзлари ўзига ярашган Офиятхон эрига кўп куйди, кичкинагина Мўминжони дадасини ҳар гал сўроқлаганда алами алангаланди.

Йиллар ўтди. Офиятхонга оғиз солувчилар кўпайди. Лекин у Қодиржон акасининг ёлғиз ота-онасини ўйлаб, ҳеч кимга розилик бермасди. Бир куни қайнонаси Зубайда хола келинини ёнига чақирди, ич-ичидан ҳуруж қилиб келаётган йиғисини аранг босиб, гап бошлади:

— Она қизим, биз мўмин мусулмонлар худонинг иродасига шак келтира олмаймиз. Қодиржонимни худо берган эди, яна қайтариб олди, пешонамизга ёзилгани шу экан. Энди сиз ёшсиз, дунёдан бева ўтишингиз ярашмайди, Мўминжонга ҳам меҳрибон ота керак. Биз мингдан минг розимиз...

Қўлини иягига тираб, бир қўли билан дастурхон учини ҳимариб ўтирган Офиятхон оғир сўлиш олди, ёш тўла кўзлари билан қайнонасига қаради, унинг елкасига бошини қўйиб, сўзсиз йиғлади. Бояқиш кампир: «Қўйинг, қизим, қўйинг», дер эди, холос.

— Мени ҳайдаяпсизми, аяжон? Уйингизга сиғмай қолдимми?

Келинининг сўзлари Зубайда холанинг юрагига ўқдек санчилди, тиззаларига муштлаб бу чархи кажрафтор дастидан дод дегиси, ёқаларини йиртиб, дунёдан чиқиб кетгиси келди. Зўрлаб ўзини босди. Келинига шу гапни айтиши қиёмат қарз эди. Чол-кампир «пишиб» қолишди. Улардан кейин ёшгина келиннинг ҳоли не кечади? Қудаларига минг раҳмат, ҳар куни келиб, хабар олиб туришибди, ҳали бирор марта қизимизни олиб кетайлик, деганлари йўқ. Чоли келинингни кўндир, кўзимиз тириклигида қизимиз қаторида узатайлик, деган.

— Нега ҳайдарканман, эна қизим? Менга қолса сизни бағримдан чиқарармидим. Худонинг ёзмишига шак келтириб бўлмайди. Элнинг кўзи бева жувонда бўлади, тўғри юриб, тўғри турса ҳам гап қилишади. Ёнингизда ҳамроҳингиз...

— Э, одамлар гапираверишади...

Офиятхон йиғлаган куйи ичкарига кириб кетди. Зубайда хола чуқур «оҳ» тортди. «Парвардигор, ўзингга шукур», деди...

Ҳар икки қуда гапни бир ерга қўйишиб, Офиятхонни узатишди. Мўминжон бола эмасми, уйларига одамлар кўп келганидан хурсанд, ўртоқлари олдида мақтаниб қўяди. У бир бурчакда хун бийрон йиғлаб ўтирган аясининг олдига кирди: «Ая, дадамларни ҳам олиб кетамизми?». Офиятхон ўғлининг қўлида Қодиржон акасининг рамка ичига солинган рангли сурати турганини кўрди. Қодиржон унга таъна аралаш ажабланиб тикилаётгандек туюлди, аламли «оҳ» тортдию, ҳушидан кетди. Зубайда хола дадасининг суратини кўтариб, аясининг бошида йиғлаб ўтирган неварасини маҳкам бағрига босди, титроқ овозда келинини чақирди, юзларини силади. Офиятхон кўзларини очди, ранги синиқиб, бир аҳволда бўлиб қолган эди.

Қадрдон хонадон билан ҳайрлашиш ниҳоятда оғир кечди. Шокир бува каловланиб, келинининг пешонасидан ўпди, «Бахтли бўл, қизим, сендан мингдан минг розимиз», деди. Зубайда хола эса хуши оғиб, телва-тескари гаплар айтар, келинини қайта-қайта бағрига босарди. Бояқиш она уни умрбод ўз бағрида сақлашни истар, ҳали замон хонадони ҳувиллаб қолишини ўйлаб, юрак-бағри эзиларди.

Мўминжон отасининг суратини маҳкам бағрига босиб олган, ҳар замонда унга қараб-қараб қўярди...

Бу дунёда ҳамма бахтли бўлиб кетавермайди, қаҳри қаттиқ тақдир кутилмаган ўйинлар топади. Офиятхонга ҳам тақдир яна бир зарба урди: у тушган хонадон қабоҳат, жанжал, ғурбатларнинг уяси экан. Деярли ҳар куни эрларидан ажраб келган опа-сингиллар бир-бирларини юмма талашади, ака-укалар улардан қолишмайди. Уйида яширинча сигарета, ароқ сотадиган хонадон бекаси Сотти satang қизларини яланғоч сўзлар билан қарғайди, оғзидан сигарета тушмайдиган хабашдек қоп-қора Қорақул ака кун бўйи оғилхонадан бери келмайди, ҳайбатли-ҳайбатли буқалари, молларига қарайди. Баъзан ёстиққа ёнбошлаб, пайдарпай сигарета чекади, қий-чув, бақир-чақирлар билан иши йўқ.

Опа-сингиллар, ака-укаларнинг болалари урушқоқ, худонинг балоси. Улар бегона хонадонда довдираб қолган Мўминжонга кун беришмайди: дам сочларидан тортишади, дам «каратэ» қилишади.

Бир куни Офиятхон овсинининг довдир ўғлига насиҳат қилиб, балога қолди. Овсини йўқ ердаги гапларини топиб, эрига чақди. Айиқдек бесўнақай ука акасига вишиллади: «Хотинчангизни тийиб қўйинг, биззи болаларга тегмасин». Намиқиб қолган сигареталарни офтобга ёйиб, қуритаётган Сотти сатанг бўялган қошларини кериб, ўғлини бағрига босиб ўтирган Офиятхонга тикилди: «Кеча келдинг югуриб, нени берай суғуриб... Ҳай, келин, уялмайсизми, невараларимни урушгани? Ўзингизники уззукун нон кавшайди, ишга хуши йўқ. Билиб қўйинг, бизнинг хонадонда бекорчига нон берилмайди». Тарбияли хонадонда ўсган Офиятхон лом-мим деб оғиз очмади, кўчадан ичиб келган турмуш ўртоғи Ашурнинг важоҳатидан чўчиди. Ашур онасини жеркиб ташлади: «Бўлди, ўчир!». Кейин укасига бақирди: «Ҳой, сўтак, олашоқшақингнинг ёнини олаяпсанми? Ўл, ҳезалак!» Ука боядан бери жағи тинмаётган хотинига мушт туширди, у остонага чалқанча йиқилди. «Ҳой, ака, биззи белда белбоғ бор, сизга ўхшаб етовда юрмаймиз». Кайфи ошиб, кўзлари қизарган Ашур Мўминжонни силтаб, ҳовлига улоқтирди: «Бор, молларга қара!». Ўғлига интилган Офиятхон тарсаки зарбидан ўтириб қолди.

Шу-шу Мўминжоннинг шусиз ҳам ярмита болалиги тугади. Уни ҳар томондан турткилашарди. Бояқиш кўпинча оч-наҳор юрарди, баъзан шум болалардан бири ичаётган овқатини тўкиб юборар, гоҳида қўлидаги нонини тортиб олиб, итга ташларди. Офиятхон гапиришга, ўғлининг ёнини олишга қўрқарди.

Бир куни Зубайда хола келди. Келинининг ранги-рўйи, ҳадиксираган, кўзлари жовдираган неварасини кўриб, юрак-бағри эзилди. Ўзлари холи қолишганда Офиятхон йиғлади: «Аяжон, мен эрсирабмидим? Қутлуғ хонадонингиздан кетиб, Қодиржон акамнинг арвоҳини чирқиратдим. Бу ҳам кам менга...». Зубайда хола уни юпатдию, ўзи юпанмади. Шу пайт дадасининг суратига тикилиб ўтирган Мўминжон: «Дадамларнинг олдига кетаман, мени чақиряптилар», деди. Ҳали мактаб ёшига ҳам етмаган болакайнинг кўзларидаги мунг Зубайда хола билан Офиятхон юрагини титратди...

Қабоҳат уясида етим еган бир парча нон ҳам кўп кўринадиган бўлиб қолди. Сотти сатанг нон сандиқни қулфлаб, ўз невараларига берар, эрталабдан бери оғилхона, ҳовлини супуриб, ҳолдан тойган Мўминжонга қайрилиб қарамасди. Қорақул ака эса ҳар куни магазиндан қоплаб «қора нон» олиб келар, уни майдалаб сўқимга боқилаётган новвослари охурига тўкарди.

Бир куни Мўминжон тиззалари қалтираб, ҳовлига чиқди. Шумпатак болалар бояқишнинг овқатини атайлаб ағдариб юборишганди. Офиятхон яна бошқатдан овқат солиб бермоқчи эди, Сотти сатанг бобиллади: «Икки косадан овқат ичаверса, уйимни қаёқдан топаман?». Мўминжон индамай чиқиб кетди. Новвослар олдига борди. Охурда маҳалладаги тўйдан олиб келинган ярмита сомсалар, бурда нонлар шундайлигича турарди, семизлигидан ялтираган новвослар кўзларини юмиб, кавш қайтарардилар. Мўминжон охур ёнига чўккаладию, бурдаланган сомсаларни ейишга тушди. Қорни тўйди. Сўнг бир чеккадаги сомон устига чўзилди...

Шундай қилиб, Мўминжон новвосларга «шерик» бўлиб олди.

Қайси куниям Қорақул ака бойвачча маҳалладошларидан бирининг тўйидан бир қоп бурда нон, сомса, қатламалар олиб келиб, охурга тўкди. Қоронғулик қора чодирини атрофга ёйган пайт эди ўшанда. Туртки, тепкилардан безиган Мўминжон қорни очиб, «шерик»лари олдига келди, новвосларнинг бўйинларини қашлади, сўнг бурда сомсаларни топиб ея бошлади. Пашша чақдими ёки ўзича қилдими, новвослардан бири бошини қаттиқ силкиб юборди. Унинг ўткир шохи боланинг бўйнига зарб билан санчилди. Мўминжон овоз чиқарсам, яна калтаклашади, деган хаёлда қон тирқираб оқаётган бўйнини йиртиқ кўйлаги билан боғлаб, сомон ғарами сари судралди...

Ярим кеча. Офиятхон ҳовлига чиқиб, бир неча марта «Мўминжон!» деб чақирди. Эс-ҳушини йўқотаётган боланинг кўзлари очилиб кетди. «Аяжон, мен бу ердаман... — унинг қуруқшаган лаблари аранг пичирлади. — Аяжон...». Ашурнинг дағал овози эшитилди: «Кир ичкарига! Эртага қўлимга тушса, аммо, билиб қўй, аямайман, терисини шилиб оламан!». Мўминжон сомон ичига яширинди. Негадир марҳум отасини эслади. Ана, у кичкина велосипедни етаклаб келяпти. «Дадажон, бу менгами?». «Ҳа, сенга, ўғлим. Юр, олиб кетаман». Улар йўлга тушдилар. Узоқдан сочларини ёйиб келаётган аяси кўринди.

Бола кўп қон оққанидан холсизланиб борарди. Бир-икки марта туришга уриндию, боши айланиб йиқилди.

Шу куни Офиятхон кўз юммади, олапар ойга қараб чўзиб-чўзиб улиб чиқди.

Эрталаб Мўминжонни жонсиз ҳолда топишди. Қўлида қонга беланган бир бурда нон, худди ухлаётганга ўхшарди...

Азиз муштарий, балки сиз ҳикоямизга ишонмассиз. Лекин бу воқеага ўзим гувоҳ бўлганман, одамлар орасида одамсимон бўрипар борлигини кўрганман.

Ён-атрофимизда Мўминжондек кўнгли синиқ, болалигини йўқотган болакайлар йўқми? Кўп, жуда кўп. Фақат сиз билан биз уларни сезмаймиз, ўз ташвишларимиз билан ўралашиб, фарзандларимиз учун елиб-югуриб, невараларимиз қий-чуви билан андармон бўлиб, ота-оналаридан, бобо-бувиларидан айрилган норасидаларнинг кўзларидаги ёшларни кўрмаймиз. Қулоқларига тилла балдоқ, қўлларига қўша-қўша тилла билакузуклар таққан, ҳузур-ҳаловатли ҳаёти туфайли юзларига бирорта ҳам ажин тушмаган баъзи сатанг аёл болалар уйига келиб, ўзига эргашган ўғилчасини жеркийди: «Жувонмарг, нима хоҳласанг олиб беряпман, мазза қилиб юравермайсанми?». Ағрим кийинган, лекин кўзларига чексиз мунг ўрнашиб қолган болакайга бунақа «мазза» керак эмас. У онасининг бағрида ухлашни, отасининг елкасига чиқиб, ён-атрофга қувониб назар ташлашни истайди. Майли, йиртиқ кийимларда юрсин, музқаймоқлар емасин, фақат ота-онаси бағрида бўлсин. У «Волга» орқасидан жовдираб тикилиб қолди, юрагини сўнгсиз соғинч аёвсиз ғижимлади...

Ҳа, болага ота-онадан ҳам улуғроқ, ундан-да кучлироқ инсон йўқ. Лекин ҳамма ҳам рисоладагидек ота-она бўлавермас экан. Ўз жигаргўшаларини исқирт латтага ўраб, аҳлат идишларига ташлаб кетаётган, ҳар куни «отажон», деб йиғлаб ухлайдиган фарзандларини бир бориб кўришга ярамайдиган кишиларни «Ота» ёки «Она»дек улуғ, пок ном билан аташ мумкинми?

Ота-боболаримиз ўз умр йўлдошларини кўча-кўйларда учрашиб, сайр-томошаларга олиб, танламаганлар. Уларга қайлиқни ота-оналар танлаган. Тақдири азалга ёзилган савдога на йигит, на қиз қаршилик билдирган, никоҳ ниҳоятда муқаддас бўлган. Бир ёстиққа бош қўйган ёшлар шу кундан бошлаб, бир-бирларига қаттиқ боғланиб қолган, рўзғор ташвишлари, фарзанд тарбиясини, олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этган.

Ҳозирчи? Енгил табиатли қизларининг ноғорасига ўйнайдиган айрим калтабин қайноналар ўғли севиб уйланган келинини сиғдирмайди, ҳўрлайди. «Худога шукур, неварали бўлибман, илоё, ўғлим ўзидан кўпайсин», демайди. Чунки уларда Оналик масъулияти йўқ, фақат ўғиллари айтганларига юриб, хотин олиб, хотин қўйса—шунга хурсанд. Ана шундай худбин қайноналар, эртага ўзлари ҳам бировларнинг хонадонларига келин бўлиб тушишларини ўйламайдиган эрка-тантиқ қайнсингиллар касрига тирик етимлар кўпайиб боряпти.

Халқимизда «Биров яхши хотинини ёки яхши эрини сенга бериб қўймайди», деган гап бор. Муқаддас никоҳ ўқилиб, бир ёстиққа бош қўйилдими, бас, шу кундан эътиборан келин ҳам, йигит ҳам жамият олдидаги масъулиятларини унутмасликлари керак.

Ён-атрофимизда етимлар кўп. Кимўзарга тўй қилсак, уч-тўрт кунлаб базм-жамшид уюштирсак, ҳеч ким раҳмат демайди. Лекин чўнтагимиздан пул сарфлаб, бирор етимни кийинтирсак, бева-бечораларга хайр-эҳсон улашсак, бунинг савоби ниҳоятда улуғ. Зеро, «Жаноби Расулуллоҳ васиятлари»да шундай дейилган: «Ё, Али, етим йиғласа арши аъло жунбушга келади. Худо айтадики, «Э, Жаброил, етимни йиғлатган кишининг жойини дўзахдан қилгил, ки мен ҳам уни ҳар усул билан йиғлатай!».

Истагимиз шул: етимлар йиғламасин. Улар йиғласа ота-боболаримиз руҳлари безовта бўлади, худонинг қаҳрига қоламиз.

Эсон ҚОСИМОВ.

